ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ МАКТАБИ

# «ОБОД ТУРМУШНИ ТАЪМИНЛАШДА ИҚТИСОДИЁТНИ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ»

мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференция

# МАТЕРИАЛЛАРИ

## (III-қисм)

(2013 йил 20 феврал)

Самарқанд – 2013.

**Ҳусенов С.** – СамИСИ ассистенти,
**Толипова У.** – СамИСИ КТИ-111 гуруҳ талабаси

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантирувчи энг муҳим устувор йўналишлардан бири бу – хизматлар соҳаси бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси ўсиш суръатлари, янги пайдо бўлган хизматлар турлари сони, бозор ҳамда истеъмолчилар эҳтиёжларига мослашиш бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Ушбу соҳа мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши эса бугунги кунда 52 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

Ундан ташқари аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми қарийб 15 фоизга ўсди, бу жараёнда хизматларнинг юкори технологияларга асосланган ва бозор иқтисодиётига хос бўлган турлари жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 24,5 фоизга, компьютер дастурлаш хизматлари 18 фоизга, технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш 17 фоизга, молия-банк хизматлари 17,6 фоизга ўсди[1]. Фикримизча, иқтисодиётимизнинг келажаги ва барқарор иқтисодий ўсиши айнан шу соҳа орқали амалга ошиши кутилмоқда.

Жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар Ўзбекистон иқтисодиётининг бошқа соҳалари сингари хизматлар соҳасини ҳам устувор даражада ривожланишини тақозо этмоқда. Шу сабабли мамлакатимизни модернизация қилиш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасига инновацион янгиликларни киритиш ва инновацион фаолиятни ташкил этишга зарурият туғилмоқда.

Бунинг учун хизмат кўрсатиш тармоқларига сифат жиҳатидан устун, қулай, замонавий талаб даражасига тўғри келадиган хизмат кўрсатиш турларини таклиф этишни талаб этади. Хусусан, энг аввало, хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётидаги меҳнат ресурсларининг сифат даражаси бўлмиш "инсон капитали" сифатини оширишни ҳам тақозо этади. Шу билан бирга ушбу соҳада ишлашга мўлжалланган кадрларни тайёрлаб берадиган таянч олий таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш ва замон талабига жавоб берадиган даражага етказиш учун янги педагогик технология ва компьютер технологиялари орқали ўқув машғулотларни ташкил этиш керак бўлади. Шу билан бирга, яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, агар ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига бир назар ташлайдиган бўлсак, инновацион фаолиятнинг ривожланиши айнан таълим сифатига боғлиқлигини кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизда таълим сифати тўғрисида гапирар эканмиз, аввало, Франциядаги дунёнинг энг яхши бешта бизнес мактаби қаторига кирадиган "Инссад" халқаро бизнес мактабининг 2012 йилги "Инновацияларнинг глобал индекси" маърузасида келтирилган статистик маълумотни айтиб ўтиш мақсадга

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.// «Зарафшон», 2013 йил, 22 январ, № 9.



мувофиқдир. Ушбу маърузада дунёнинг 141 мамлакатидаги инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган. Таҳлилнинг асосий таркибий қисмларидан бири – инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўлиб, мазкур кўрсаткич бўйича бизнинг мамлакатимиз 35-ўринни эгаллаган. Таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса дунёнинг 141 мамлакати орасида иккинчи ўринни эгаллаган[2]. Дунёнинг нуфузли ташкилотларнинг мамлакатимиз таълим соҳада бундай берган хулосаси бежиз эмас албатта. Бу мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов бошчилигида ишлаб чиқилган "Кадрлар тайёрлаш миллий модели"нинг самарали ишлаши натижасидир, десак хато бўлмайди.

Худди шунингдек, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасига инновацион янгиликлар киритиш борасида дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан ҳамкорликда бир қанча инновацион лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилмоқда. Хусусан, хизмат кўрсатиш соҳаси таркиби бўлган таълим ва тиббий хизмат мисолида кўришимиз мумкин. Республикамизда таълим хизматларини ривожлантириш ва инновацион фаолиятни ташкил этишга йўналтирилган ҳорижий техник ёрдам ҳажми ўтган даврда 500 миллион доллардан ошиб кетди. Осиё тараққиёти банкининг 290 миллион доллар маблағи, Жанубий Корея ҳукуматининг 110 миллиондан ортиқ, Жаҳон банкининг 33 миллион, ОПЕК фонди, Саудич фонди, Ислом тараққиёт банкининг 42 миллион, Германия ҳукуматининг "КФВ" банки орқали йўналтирилган қарийиб 20 миллион ва бошқа донорларнинг 100 миллион доллардан ортиқ ёрдами шулар жумласидандир[3]. Таълим хизматларини яхшилаш ва сифатини ошириш мақсадида киритилган бу инвестициялар туфайли таълим соҳаси доирасида 122 та инновацион лойиҳалар ишлаб чиқилиб, татбиқ этилди. Ундан ташқари, хизмат кўрсатиш соҳасининг энг муҳим тармоғи бўлмиш тиббий хизматлар кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, замон талабларига мос малакали тиббий кадрлар (инсон капитали) тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, тиббиёт хизматлари кўрсатиш соҳаларида ҳам инновацион фаолиятни ташкил этиш ва ривожлантириш борасида бир қанча самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури доирасида Жаҳон банки инвестицияларини жалб қилинган ҳолда, 1998 – 2011 йилларда "Саломатлик-1" ва "Саломатлик-2" лойиҳалари доирасида юртимиздаги 3191 та қишлоқ врачлик пунктлари умумий қиймати 76 миллион доллар бўлган замонавий тиббий асбоб- ускуналар, лобаритория асбоб-ускуналар , лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди. Ундан ташқари Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази учун Япония ҳукуматининг 743 миллион йен (7,1 миллон доллар) миқдоридаги гранти ва Испания ҳукуматининг 9,38 миллион доллар миқдоридаги кредити, вилоят филиаллари учун Ислом тараққиёт

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.// "Зарафшон", 2013 йил, 22 январ, № 9.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тошкент- 2012 йил. 123-б.

банкининг 33,8 миллион доллар миқдоридаги кредити ва туман тиббиёт бирлашмалари қошидаги 171 та шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари учун араб иқтисодий ривожланиш Қувайт фондининг 20,55 миллион доллар миқдоридаги кредити жалб қилинди[4].

Бу лойиҳалар доирасида амалга оширилган ишлар мамлакатимизда инсон капиталини ривожланишига имконият яратади. Мамлакатимизда яратилаётган имкониятлар натижасида инсон капитали оркали яратиладиган кашфиёт, ихтиро, илмий ва конструкторлик лойиҳалари ишлаб чиқилиб, халк хўжалигига татбиқ этилади. Ҳақиқатдан, инсон капиталининг ривожланиши иқтисодиётнинг барча тармокларида секин-аста инновацияларни вужудга келтиради ва натижада шу соҳаларнинг ривожланишига олиб келади, бу эса аҳоли турмуш даражасини яхшилайди (1-расм).




*1-Расм. Инсон капитали, хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион фаолият ва ижтимоий-иқтисодий тизимнинг бир-бирига ўзаро таъсири акс этган модел*

Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг замонавий модели (1-расм) жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига фан-техника соҳасининг тизимли равишда интеграциялашувини назарда тутади. Бундай интеграциялашув фан-техника соҳасининг янги илм талаб қилувчи маҳсулот ва хизматлар яратиш ва анъанавий бозорларни эгаллаб олишга имкон берувчи самарали янгиликлар барқарор оқимини шакллантириш учун кучли стимуллар яратади. Натижада сифати, нархи, ҳажми ва бозорга чиқиш муддати бўйича мавжуд тўлов лаёқатига эга, талабга мос келувчи янги маҳсулот ва хизматлар яратувчи миллий инновацион тизим шаклантирилади.

Юкоридагилардан кўринадики, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва ривожлантириш учун инсон капитали энг муҳим омил сифатида қаралмокда. Қолаверса ижтимоий ҳаётнинг қайси жабҳаси бўлмасин, у иқтисодий ёки ижтимоий соҳами, унинг ривожланишининг марказида инсон капитали асосий мезон сифатида кўрилмокда.

[4] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "2012 йил ватанимиз тараккиётини янги боскичга кўтарадиган йил бўлади" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўкув кулланма. Тошкент- 2012 йил. 133 бет.



Халмирзаев А.А. – ЎзМУ, доценти,
Абдуназаров О.А. – ЎзМУ, катта ўкитувчиси

## ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Илмий адабиётларда "инновация" тушунчаси турлича талқин этилади. Инновация илмий-техник жараёнларни реал, ҳакикатан мавжуд, янги маҳсулот ва технологияларга ўтказишдир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози окибатларини юмшатиш, иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг таъсирчан дастакларидан бири – инновацион жараёнларни янада фаоллаштириш ҳисобланади. Инновация тушунчаси ва амалиёти глобал инқироз шароитида янгича мазмун ва аҳамият касб этмокда. Омма орасида кенг тарқалиб, ижобий жараён сифатида қабул қилинмокда.

Ҳозирги кунда инновация билан боғлиқ "инновацион фаолият", "интеллектуал мулк", "патент", "кашфиёт", "фойдали модель", "саноат намунаси", «товар белгиси", "лицензиялаш", "инновацион жараён" каби тушунчалар хўжалик амалиётига шиддат билан кириб келмокда.

Ф. Котлернинг фикрича, инновация (innovation) – ғоя, маҳсулот ёки технология бўлиб, ишлаб чиқаришга жалб этилиб, бозорга чикарилган, истеъмолчи томонидан ноёб хусусиятларга эга, деб кабул қилинган ўзига хос янгилик ҳисобланади.

Хорижлик ва ўзбекистонлик мутахассисларнинг фикрларига қараганда, илмий адабиётларда "инновация" тушунчасига юздан ортиқ таърифлар берилган. Масалан, инновация камровига кўра – локал ва микиёсли, ҳаётийлик циклига кўра, ички таркибининг белгилари *(иқтисодий, бошқарув, ишлаб чиқариш ва бошқалар)*га кўра турлича бўлади.

Инновацион жараён боскичма-боскич амалга ошириладиган ҳаракат, фаолият ҳисобланади. Инновацияга илмий тадқиқотлар, кашфиётлар, ишланмалар, лойиҳалар ва бошқаларни ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш натижасида янги маҳсулотлар, хизматлар, кўникмалар, илғор технологиялар ва ташкилий бошқарув усулларини аста секинлик билан қўллаш киради.

Инновацион жараёнлар янгиликларни назарий соҳа *(уни ишлаб чиқиш)* дан амалиётга *(аниқ шароитларда қўллаш)*га ўтказади.

Инновацион жараён инновацияларни жалб этиш боскичларини, янги маҳсулотлар ва операцияларни яратиш ва уларни муваффакиятли тарзда бозорда реализация қилишни назарда тутади. Кейинчалик эса инновациядан олинган натижаларни кенг тарғиб этишни кўзлайди.

Илмий адабиётларда инновацияларнинг инновация ғоясининг туғилиши; инновация маркетинги; инновациянинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш; инновацияларни ўзлаштириш; инновацияларни тижорат мақсадларида

## МУНДАРИЖА


| | | |
|---|---|---|
| **I-ШЎЪБА. «ОБОД ТУРМУШНИ ТАЪМИНЛАШДА ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ»** | | |
| Абдукаримов И.Т.<br>Тен Н.В. | Инновация и модернизация как средство достижения научно-технического прогресса | 3 |
| Дилором Салоҳий<br>Ирода Пардаева | Обод турмуш – Алишер Навоий талқинида | 13 |
| Акобирова А.Б | Мамлакат иқтисодий тараққиётида инсон омилининг роли | 15 |
| Қаршиев Р.,<br>Равшанова У. | Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва фаровонлик стратегияси | 18 |
| Дўсмуратов Р.Д. | Оилавий хўжалик молиясининг хусусиятлари | 22 |
| Тўхтаев Ҳ. | Гадбиркорлик маданиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари | 25 |
| Самадов А.Р.,<br>Джуракулов Х.А. | Фермерлик ҳаракати – юрт ободлиги ва халқ фаравонлигининг асоси | 27 |
| Найимов Н.Қ. | Обод турмушни таъминлашда аҳоли томорқаларида етиштириладиган мева-сабзавотчиликни модернизациялашнинг ўрни | 30 |
| Файзиев О.Р. | Ўзбекистонда ёғ-мой муаммолари ва тараққиёт истиқболлари | 32 |
| Суюнов С.Х.,<br>Суюнова К. | Тараққиётининг ўзбек модели инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асоси | 35 |
| Маматқулова Ш.Ж.,<br>Ахмедалиева М. | Корхонанинг товар сиёсатини такомиллаштириш – обод турмушни таъминлашнинг омили | 41 |
| Ибрагимова Д.Ў. | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нарх-наво ва унинг ҳосил бўлиши | 44 |
| Саламов И.С.,<br>Қозокова З.С.,<br>Назарова М.Ш. | Инвестицияларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги аҳамияти | 45 |
| Xudoyberdiyev U.X.,<br>Mamarasulov A. | Zamonaviy yo'l infratuzilmasini rivojlantirishning aholi turmushini yaxshilashdagi ahamiyati | 49 |
| **II-ШЎЪБА. «ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАРНИ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ»** | | |
| Мухаммедов М.М. | Система высшего образования и перспективы инновационного развития Узбекистана | 53 |
| Рахимова Н.А. | Малакали кадрлар тайёрлашда янги педагогик технологияларнинг ўрни | 57 |
| Джурабекова О. | Современные формы мотивации труда в условиях инновационного развития | 60 |
| Bo'tayev O'.Sh. | Iqtisodiy fanlar bo'yicha o'qitishda ta'lim texnologiyalarining o'rni | 63 |
| Шукуров И.Х. | Касб-ҳунар коллежларида махсус фанларни муаммоли ўқитиш технологияси | 65 |
| Пардаев О.М.,<br>Кудратов Ш.М. | Тенденции развития рынка сотовой связи | 67 |
| Ҳусенов С.,<br>Толипова У. | Хизмат кўрсатиш сохасида инновацион фаолиятни ривожлантиришда инсон капиталининг аҳамияти | 72 |
| Халмирзаев А.А.,<br>Абдуназаров О.А. | Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инновацион жараёнларнинг ривожланиши | 75 |
| Эгамбердиева У.Т.,<br>Ниёзов М. | Инновацион фаолият самарадорлигини ошириш йўллари | 78 |
| Тошев З.Н.,<br>Халмирзаев А.А. | Миллий инновацион салоҳиятни такомиллаштириш йўллари | 81 |
| Қобилов Р.Р. | "Ўзбекистон ёшлари мустақиллик, геосиқтисо-дий сиёсат ва глобал тафаккур ҳақида" (социологик тадқиқот натижалари асосида) | 84 |
| Вафоев Б.Р.,<br>Ражабов Т.А. | Модель управления инновационной деятельностью на предприятиях | 87 |
| Усманова Н.А.,<br>Тойирова Д. | Применения метода «Точно в срок» в управлении | 89 |
| Усманова Н.А.,<br>Юсупов Д. | Эффективность оптимизации процессов «Всеобщее управление качество» | 91 |
| Хусанова Г.М. | Инновационная деятельность в преподавании экономических дисциплин | 93 |
| **III-ШЎЪБА. «БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ»** | | |
| Пардаев М.Қ.,<br>Ибагимов Н.И.,<br>Пардаев О.М. | Корхоналарнинг молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботини такомиллаштириш | 96 |
| Пардаев М.Қ.,<br>Давлетова М.А. | Хизмат сохасини тахлил килишда қўлланиладиган ахборотларнинг турлари | 98 |
| Ибагимов Н.И.,<br>Давлетова М.А. | Иқтисодий тахлил ва статистиканинг корхонани бошқаришда тутган ўрни | 101 |
| Мусаев Х.Н.,<br>Очилов О.И.,<br>Жўраев Ж.И. | Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарда инвестициялар ҳисобини яхшилаш йўллари | 103 |
| Давлетов И.Р.,<br>Эшниёзов Х. | "НОУ-ХАУ"ни баҳолашдаги муаммолар | 105 |
| Турсунов У.С.,<br>Ғоппаров М.О.,<br>Мазокиров А.А | Фермер хўжаликларида харажатларни ҳисобга олишни такомиллаштириш | 108 |
| Рахмонов Н.Р.,<br>Ортиқбоев Д. | Товар моддий захиралар ҳисоби: халқаро ва миллий амалиёт | 111 |
| Ғаппаров А.Қ., | Фирма ва компаниялар инвестиция фаолиятини | 113 |